New Day in Medicine
Новый День в Медицине
NDM

TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal

AVICENNA-MED.UZ

ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

7 (57) 2023

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х.ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН

НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ

NEW DAY IN MEDICINE

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

7 (57)

2023

ИЮЛЬ

Received: 20.06.2023, Accepted: 30.06.2023, Published: 10.07.2023.

УДК 616.314-007.21-089.23

ТЎЛИҚ ВА ҚИСМАН АДЕНТИЯ МАВЖУД ИНСОНЛАРДА ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Тешаев Ш.Ж. https://orcid.org/0009-0002-1996-4275
Нуров Н.Б.https://orcid.org/0000-0003-3971-6877
Олимов С.Ш. https://orcid.org/0000-0002-1142-6838

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Резюме***

Текширувлар юзнинг мезогнатик типидаги ва тишлари тўлиқ йўқ бўлган 52 нафар кекса ва кекса одамларда ўтказилди. Беморлар, юзнинг диагонал ўлчамларининг умумий кўрсаткичига қараб, мезодиагонал, микродиагонал ва макродиагонал турларга бўлинди. Тишлари тўлиқ йўқотилган ва юзнинг макродиагонал тури бўлган одамларда алвеоляр ёйларнинг чизиқли кефалометрик параметрлари ва ўлчовли қийматлари мезо- ва микродиагонал типлари бўлган беморлардаги ўхшаш чизиқли параметрларга қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Ушбу беморларда индекс қийматлари ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан ишончсиздир.

Калит сўзлар: тишларнинг тўлиқ йўқлиги, алвеоляр ёйлар, конституциявий анатомия, кефалометрия, соматометрия, биометрия.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ У ЛЮДЕЙ С ПОЛНОЙ И ЧАСТИЧНОЙ АДЕНТИЕЙ

Тешаев Ш.Ж. https://orcid.org/0009-0002-1996-4275
Нуров Н.Б.https://orcid.org/0000-0003-3971-6877
Олимов С.Ш. https://orcid.org/0000-0002-1142-6838

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Резюме***

У 52 человек пожилого и старческого возраста с мезогнатическим типом лица и полным отсутствием зубов проведена обследования. Пациенты, в зависимости от суммарного показателя диагональных размеров лица, разделены на мезодиагональный, микродиагональный и макродиагональный типы. Установлено, что линейные цефалометрические показатели и размерные величины альвеолярных дуг у людей с полной потерей зубов и макродиагональным типом лица статистически достоверно вышеаналогичных линейных параметров пациентов с мезо- и микродиагональными типами, при этом разница между индексными величинами у данных пациентов статистически недостоверна.

Ключевые слова: полное отсутствие зубов, альвеолярные дуги, конституциональная анатомия, цефалометрия, соматометрия, биометрия.

MORPHOLOGICAL FEATURES OF THE MAXILLOFACIAL REGION IN PEOPLE WITH COMPLETE AND PARTIAL Adentia

Teshaev Sh.J. https://orcid.org/0009-0002-1996-4275
Nurov N.B. https://orcid.org/0000-0003-3971-6877
Olimov S.Sh. https://orcid.org/0000-0002-1142-6838

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel: +998(65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ ***Resume***

Examinations were carried out in 52 elderly and senile people with a mesognathic type of face and a complete absence of teeth. Patients, depending on the total indicator of the diagonal dimensions of the face, are divided into mesodiagonal, microdiagonal and macrodiagonal types. It has been established that the linear cephalometric parameters and dimensional values of the alveolar arches in people with complete loss of teeth and a macrodiagonal type of face are statistically significantly higher than similar linear parameters in patients with meso- and microdiagonal types, while the difference between the index values in these patients is statistically unreliable.

Key words: total absence of teeth, alveolar arches, constitutional anatomy, cephalometry, somatometry, biometrics.

Долзарблиги

томатологияда олиб бориладиган илмий тадқиқотларда жағ - юз соҳасининг индивидуал ўзгарувчанлигига эътибор қаратилади. Тиш-жағ тизими ўзгарувчанлигини баҳолашнинг асосий усулларидан бири тишларнинг ўлчамлари тиш-жағ ёйи кўрсаткичларига мослигини аниқловчи морфологик кўрсаткич маълумотлари ҳисобланишига асосланган. Шунинг учун тиш-жағ патологияси мавжуд беморларни ортопедик, ортодонттик даволашдан олдин биометрик тадқиқотлар ёрдамида жағ-юз соҳасида анатомик ҳосилаларнинг топографик тузилишини ўзига хосликларини аниқлаш ва ўрганиш мақсадга талаб қилинади [2,5,8,12,14.].

Тишларни тўлиқ ёки қисман йўқотиш мураккаб тўхтатиб бўлмас ҳолат ҳисобланади ва у "оғиз бўшлиғи саломатлиги учун касалликлар даражасининг якуний маркери" сифатида таърифланади [4,7,9,13.].

Тишлар йўқотилганида тиш-жағ тизимида қатор ўзгаришлар содир бўлади. Антагонистларидан айрилган тишлар ва уларни ўраб турган суяк қсиши билан қарама-қарши жағда мавжуд бўлмаган антагонистлар йўналишида силжийди.

Тишсиз алвеоляр ўсиқ устига сунъий тишларни териладиган пайтда окклюзия-артикуляция муносабатлари муозанатини қайта тиклаш ортопедик стоматологиянинг устувор вазифаси бўлиб ҳисобланади, бунда чакка пастки жағ бўғими(ЧПЖБ)нинг фунционал хусусиятлари, терилган сунъий тишлар чайнов юзасининг шакли, исталган тиш дўмбоқ баландлиги эса пастки жағ бўғим бошининг ҳаракати траекториясига мос бўлиши, шу орқали протез ўрнида тўқималарига босим бир текис юкланиши таъминланиши лозим. Юз-жағ соҳасида оптимал нейро-мускуляр мувозанатга ҳамда протез ўрни тўқималари билан протезларнинг ўзаро биомеханик таъсирлашув жиҳатларига эришишга, кўп нуқтали окклюзия контактлари ва алвеоляр ўсиқнинг таянч тўқималарга протез асосининг равон босим бериши кўмаклашади [1,3,6,10,11.].

Тадқиқотнинг мақсади: Тўлиқ ва қисман адентия мавжуд инсонларда жағ-юз соҳасининг морфологик ўзгаришларнинг ўзига хосликларини ўрганиш.

Материал ва усуллар

Тишлари тўлиқ бўлмаган юзи тузилиши мезогнатик типда бўлган кекса ва қарилик ёшидаги 52 нафар бемор (18 нафар эркак, 34 нафар аёллар; ўртача ёш - 72,1±3,2 ёш) морфометрик ўрганилди.

Юзда мўлжаллар сифатида "tragion" (t) ва "subnasale" (sn) нуқталаридан фойдаланилди, иккала тарафдан юзнинг кенглиги (t-t) ва диагонали (t-sn) баҳоланди. Юз кенглигининг диагоналлар умумий катталигига нисбати билан юзнинг гнатик индекси аниқланди, у мезогнатик типда 0,55 - 0,61 ни ташкил этди.

Диагонал ўлчамлар йиғиндиси 242 мм – 262 мм бўлиши юзнинг "мезодиагонал" типга тегишлилигини аниқлади, бунда қийматнинг катталашиши ёки кичрайиши юзнинг "макродиагонал" ёки "микродиагонал" типини белгилади ва ўрганилаётган гуруҳларни тақсимлашга асос бўлди: 1-гуруҳ - мезодиагонал типли 24 нафар бемор, 2-гуруҳ - макродиагонал типли 12 нафар инсон ва 3-гуруҳ - микродиагонал юз типига эга 16 нафар бемор. Жағ гипс моделларининг биометриясида ўлчовлар белгиланган нуқталар ўртасида олиб борилди.

Юқори алвеоляр ёйнинг марказий нуқтаси кесув сўрғич соҳасида алвеоляр ўсиқнинг олд нуқтаси жойлашувига мос бўлди. Юқори лаб юганчаси ва ўрта танглай чок чизиғи мўлжал

сифатида хизмат қилди. Марказий кесувчи нуқтани (in) аниқлаш қийинчилик уйғотмади. Моляр нуқталар (m) жойлашувини аниқлаш учун юз диагонал ўлчамлари ва алвеоляр ёйларнинг ўзаро ўлчамига асосланган шахсий усул таклиф қилинди.

Клиник ва лаборатория материаллар «Stat Soft Statistica v7.0» амалий дастурлар статистик тўплами ёрдамида статистик қайта ишланди.

Натижа ва таҳлиллар

Соматотипларни миқдоран тақсимлаш натижалари (L. Rees – H. J. Eisenk indeksi) шуни кўрсатадики, пикник конституция 5 нафар эркакларга (24,0%) ва 4 нафар (12,8%) аёлларга хос, нормостеник конституция - 13 нафар эркакларга (56,0%) ва 12 нафар аёлларга (33,3%), астеник конституция - 4 нафар эркакларга ва 14 нафар аёлларга (мос равишда 20,0 ва 53,9%) хос бўлди.

Ўрганилаётган гуруҳларда жағ-юз соҳасини морфометрик ўрганиш натижалари 1-жадвалда тақдим этилган.

Мезогнатик юз типига эга бўлган инсонларда диагонал кўрсаткич бўйича учта асосий вариант ажратилган: мезо-, макро- ва микродиагонал. Мезодиагонал типда юз диагонал ўлчамлари умумий катталигининг ўртача кўрсаткичи (t-sn) 253,22±2,87 мм ни ташкил этди, макро- ва микродиагонал юз типига эга инсонларда эса мос равишда статистик ишончли катта (274,0±3,62 мм) ёки кичик (232,0±4,12 мм) бўлди. Юзнинг энг катта трансверсал ўлчамлари иккинчи гуруҳга кирган инсонларда (155,02±3,08 мм), энг кичик ўлчамлари эса - учинчи гуруҳ беморларида (138,04±2,97 мм) қайд этилди, бу вақтда мезогнатик мезодиагонал юз типида кўрсаткичлар 149,89±2,41 мм ни ташкил этди.

Юзнинг диагонал ўлчамлари алвеоляр ёйларнинг ўлчамларига қараб аниқланди, биринчи гуруҳ беморларида диагоналлар йиғиндиси (in-m) 106,57±3,24 мм ни ташкил этди. Юзнинг макродиагонал типини акс эттирувчи, алвеоляр ёйлар диагоналининг умумий қиймат кўрсаткичлари (117,27±3,72 мм) микродиагонал юз типига эга инсонлардаги ўхшаш қийматлардан ишончли юқори бўлиб, 99,94±3,65 мм ни ташкил этди.

Тепа алвеоляр ёйлар индексининг турли хиллиги (0,46±0,03 - 0,51±0,02) барча мезо-, макро- ва микродиагонал юз кўрсаткичларида пастки алвеоляр ёйлар индексининг хилма-хиллигидан статистик аҳамиятли юқорилиги ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланди. Олинган маълумотлардан алвеоляр ёйларнинг намуналарини тузиш, моделларни артикуляторларга ўрнатишда тишсиз жағ моделларида асосий морфометрик мўлжалларни аниқлаш, кўплаб ёки тўлиқ адентия мавжуд беморларни протетик даволашда тиш ёйларини тузиш босқичларида сунъий тиш ёйларининг ўлчамларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Тўлиқ адентия мавжуд инсонларда ЧПЖБ маълумотларини қайта ишлаш натижалари юзи бир хил типда бўлган физиологик тишлов аниқланган инсонлардаги кўрсаткичлари билан фарқни кўрсатди. Шундай қилиб, 1-гуруҳга киритилган инсонларда бўғим чуқурчаси индекси ўртача 2,0±0,1 ни ташкил этди, бўғим чуқурчасининг модули - 26,18±1,2 мм, бўғим бошчасининг модули эса - 9,51±1,18 мм га тенг бўлди. ЧПЖБ нинг морфологик ўзига хос жиҳати инконгруэнтлик ҳисобланади, бу чакка суяги бўғим чуқурчаси пастки жағ ўлчамларининг бўғим бошчаси кўрсаткичларидан катталиги билан боғлиқ. ЧПЖБ да инконгруэнтликни тенглаштириш қуйидаги омиллар билан амалга оширилади.

Биринчиси - бўғим юзалари ўртасида жойлашган икки хил ботиқликка эга бўғим диски пастки юза билан ўйиқ ҳосил қилади, у ўлчамлари бўйича бўғим бошчасига мос, бунда пастки жағ ўйиғини кўндаланг кесиб ўтувчи fissure petrotympanica fossa mandibularis ни ЧПЖБ бўшлиғида ётувчи интракапсуляр қисм ҳамда ЧПЖБ бўшлиғидан ташқарида жойлашувчи экстракапсуляр қисмга ажратади.

Иккинчиси - бўғим бўшлиғининг fissure petrotympanica олд қисмида fossa mandibularis ичида бўғим капсуласи бирикиши ҳисобига қисқариши. ЧПЖБ инконгруэнтлиги бирикма элементлари ўзаро муносабатларининг нотурғунлиги, fossa mandibularis ва caput mandibulae ўзаро муносабатларининг чайнаш мушаклари ҳолатига ҳамда тиш қаторлари туташиш характерига боғлиқ бўлишига олиб келади.

1-жадвал

Тўлиқ адентияда мезогнатик юз типига эга бўлган инсонларда жағ-юз соҳасининг асосий кўрсаткичлари (M±m)

Жағ-юз соҳасида ўрганилаётган кўрсаткичлар, ўлчов бирликлари	Юзнинг диагонал типлари		
	мезо-диагонал	макро диагонал	микро диагонал
Юз диагоналлари йиғиндиси (t-sn), мм	253,22±2,87	274,0±3,62*	232,0±4,12*
Юз кенглиги (t-t), мм	149,89±2,41	155,02±3,08*	138,04±2,97*
Юзнинг гнатик индекси, баллар	0,59±0,01	0,57±0,02*	0,59±0,02*
Юқори алвеоляр ёйлар диагоналларининг йиғиндиси (in-m), мм	106,57±3,24	117,27±3,72*	99,94±3,65*
Юқори алвеоляр ёйлар кенглиги (m-m), мм	51,18±2,14	54,11±2,53*	50,54±2,71*
Юқори алвеоляр ёйлар индекси, баллар	0,48±0,02	0,46±0,03*	0,51±0,02*
Юқори алвеоляр ёйлар чуқурлиги (in-m'), мм	43,41±2,05	46,32±1,92*	39,68±1,16*
Пастки алвеоляр ёй диагоналлари йиғиндиси (in-m), мм	92,42±3,02	101,48±3,15*	87,24±2,98*
Пастки алвеоляр ёйлар кенглиги (m-m), мм	56,01±2,64	61,75±2,47*	52,49±2,28*
Пастки алвеоляр ёйлар индекси, баллар	0,61±0,009	0,61±0,01*	0,60±0,02*
Пастки алвеоляр ёйлар чуқурлиги (in-m'), мм	35,53±2,19	39,45±1,89*	33,46±1,78*

Мезодиагонал юз типига эга бўлган инсонларда бўғим бошчаси модулининг бўғим ўйиғига математик йўл билан белгиланган фоиз нисбати 35,94±2,16% ни ташкил этди, бунда ЧПЖБ инконгруэнтлик индекси 64,18±2,13% га тенг бўлди, бу тишлар тўлиқ йўқотилганида суяк элементлари (fossa mandibularis, caput mandibulae) шаклининг сезиларли даражада ўзгаришидан далолат беради. Шунингдек caput mandibulae оғиш баландлигининг камайиши ва ифодаланиши, нормада ўрта ёки олд жойлашувга эга бўлган чўққининг дистал силжиши, шу билан бирга processus coronoideus баландлигининг камайиши ҳамда узайишини қайд этиш зарур. Юз ва алвеоляр ёйларнинг макродиагонал типида бўғим ўйиғининг индекси мезодиагонал юз типига эга инсонларга қараганда статистик ишончли катта (2,58±0,04), микродиагонал типда эса - кичик (1,39±0,03) бўлди.

Бунда инконгруэнтлик индексининг қиймати юқори даражада сақланиб, иккинчи гуруҳ беморлари учун 71,24±2,33 %, учинчи гуруҳ беморлари учун - 66,17±1,98% ни ташкил этди. Олинган маълумотлар тизимлаштирилганида, тишларини тўлиқ йўқотган беморларда ЧПЖБ суяк элементларида бўғим ўйиқлари сагиттал ўлчамларининг катталашиши кўринишида қайтариб бўлмас морфологик ўзгаришлар содир бўлиши аниқланди, буни мазкур тоифа беморларни протетик даволашда сунъий тиш ёйларини тузиш босқичида эътиборга олиш зарур.

Шунингдек, тишлар йўқотилганда тепа жағда алвеоляр ўсиқ ва пастки жағ танаси йўғонлигининг ўзгаришига катта эътибор қаратилди. Олинган маълумотлар имплантологиянинг замонавий усуллари ёрдамида тиш қаторлари яхлитлигини қайта тиклашни

анатомик асослаш учун зарур.

2-жадвал

Алвеоляр ўсиқлар морфометрик кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

Турли даражаларда ўрганилаётган кўрсаткичлар		Статистик кўрсаткичлар $X \pm \tau_x$, мм	
Кўрсаткич	Даража	ИТ	ТТМБ
Тепа жағда алвеоляр ўсиқнинг баландлиги	ноксимон ўйиқнинг латерал қисми	16,1 ±0,4	12,4±1,1‘
	кўз косаси ости ўйиғи	14,0±0,4	7,1±0,9‘
	тепаг жағ-ёноқ чоки	13,8±0,6	7,0±0,9‘
Тепа жағда алвеоляр ўсиқ пастки қисмининг йўғонлиги	ноксимон ўйиқнинг латерал	8,2±0,1	5,5±0,4’
	кўз косаси ости ўйиғи	9,2±0,1	6,6±0,5‘
	тепаг жағ-ёноқ чоки	12,1 ±0,4	9,8±1,0‘
Тепа жағ алвеоляр ўсиғининг максимал йўғонлиги	ноксимон ўйиқнинг латерал кисми	11,2±0,3	6,8±0,9‘
	кўз косаси ости ўйиғи	12,8±0,3	8,4±1,Г
	тепаг жағ-ёноқ чоки	14,9±0,3	9,8±1,3'

Эслатма: [1] - ИТ ва ТТМБ гуруҳлари ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар p<0,05);
ИТ - интакт тишлам мавжуд беморлар гуруҳи;
ТТМБ - тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳи.

Олиб борилган тадқиқот натижасида, биз тепа жағ алвеоляр ўсиғида ўрганилган барча морфометрик кўрсаткичлар тишлар йўқотилганида сезиларли даражада ўзгаришини қайд этдик. Шундай қилиб, тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаган ҳолатда турли даражаларда уни баландлигининг ишончли камайиши содир бўлади: ноксимон ўйиқнинг латерал қисми, кўз косаси ўйиғи ва тепа жағ-ёноқ чоки даражасида.

Бунда тишлар тўлиқ йўқотилган ҳолатда тепа жағ алвеоляр ўсиқ баландлигининг энг катта қийматлари латерал кесувчи тишлар ва қозиқ тишлар соҳасида (ноксимон ўйиқ латерал қисми даражасида) - 12,4±1,2 мм, энг кичик қийматлар - молярлар соҳасида кузатилди (тепа жағ-ёноқ чоки даражасида) - 7,0±0,9 мм. Тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичнинг ўртача қийматлари 8,8±0,7 мм га тенг бўлди.

Тишлар йўқотилганида тепа жағ алвеоляр ўсиғи йўғонлиги ўртача қийматларининг ўзгариши аҳамиятли бўлмади. Агар тишлар тўлиқ тўпламда мавжуд беморлар гуруҳида алвеоляр ўсиқ пастки қисми йўғонлигининг ўртача қийматлари 8,8±0,3 мм ни, уни максимал йўғонлигининг қиймати эса - 12,9±0,3 мм ни ташкил этган бўлса, унда тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳида мазкур кўрсаткичларнинг қиймати мос равишда 7,3±0,6 мм ва 8,3±0,7 мм гача камайди.

Тишлар йўқотилганда тепа жағ алвеоляр ўсиқ баландлигининг энг катта ўзгаришлари премолярлар ва молярлар соҳасида кузатилганлигини қайд этдик. Интакт тишлари мавжуд беморлар гуруҳида мазкур кўрсаткичнинг қийматлари кўз косаси ости ўйиғи даражасида 14,0±0,4 мм ва тепа жағ-ёноқ чоки даражасида 13,8±0,6 мм ни ташкил этди. Тишлар тўлиқ мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳида уларнинг мос равишда 7,1 ±0,9 мм ва 7,0±0,9 мм гача аҳамиятли камайиши кузатилди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичнинг қозиқ тиш ва латерал кесувчи тишлар даражасида ўзгаришлари (ноксимон ўйиқнинг латерал қисми даражасида) аҳамиятли эмас (1-жадвал).

Хулоса

Тепа жағ тузилишининг жинс ва типга боғлиқ ўзига хосликларига тўхталадиган бўлсак, биз тепа жағнинг турли даражаларида алвеоляр ўсиқ баландлиги ва йўғонлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг жиснга боғлиқ фарқларини аниқладик. Бунда эркаклар гуруҳида бош суякда уларнинг қиймати аёллар гуруҳида бош суяклардан статистик ишончли катта (t>2). В.Н. Трезубова ва ҳаммуал. (2002) маълумотларига кўра, тишлар йўқотилганида пастки жағ танаси баландлигининг айнан молярлар соҳасида камайиши алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар бўғимни ён томондан ҳимоялайди. Ён ҳимоя йўқотилганида мушак қисқаришларининг бутун кучи олд тишлар ва ЧПЖБ га кўчади, бу билан уларнинг зўриқишига олиб келади, бу охир-оқибат ЧПЖБ дисфункцияси ривожланишини келтириб чиқаради. Биз олиб борган пастки жағ морфометрик хусусиятларни таҳлил қилиш тадқиқоти, тишлар йўқотилганда уни танаси баландлигининг ўзгаришлари шунингдек молярлар соҳасида аҳамиятлироқ эканлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Коробкеев А.А., Доменюк Д.А. и соавт. Морфологические особенности челюстно-лицевой областиу людей с полной вторичной адентией и различными типами конституции. //Медицинский вестник Северного Кавказа 2020;15(4).
2. Доменюк Д.А. Тиш-жағ ёйларини тузиш ва ўрганиш усулларини анатомик-топографик асослаш // Кубан илмий тиббиёт ахборотномаси 2015;3(152):31-37.
3. Лебеденко И.Ю., Каливраджияна Э.С., Ибрагимова Т.И. Руководство по ортопедической стоматологии. Протезирование при полном отсутствии зубов. под ред. М.: Медицинское информационное агентство. 2020.
4. Нуров Норпулот Бобокулович. Ортопедического лечения пожилых людей по возрастным специальностям. Самарканд 2022;2:38-40.
5. Bakaev Zh.N., Olimov S.Sh. New views on diagnostic methods for the formation of retention of the upper permanent canines (LITERATURE REVIEW) //International Journal on Integrated Education // December 2020;3(XII):129-135. e-ISSN: 2620 3502, p-ISSN: 2615 3785.
6. Bakaev Zh.N., Olimov S.Sh. Treatment and prevalence of abnormal eruption of permanent canines (Literature review) / Middle EuroDean Scientific Bulletin // December 2020;7:16-19. ISSN 2694-9970.
7. Elham Emami, Raphael Freitas de Souza, Marla Kabawat, Jocelyne S. Feine The Impact of Edentulism on Oraland General Health // International Journal of Dentistry. 2013. Article ID 498305. P. 7.
8. Nurov N. B., Teshaev Sh. J. Morphometric parameters of the craniofacial area of elderly people with partial and complete adentia".international journal on human computing studies. November-December 2020;2(6).
9. Nurova Shokhsanam Norpulotovna., Nurov Norpulot Bobokulovich. “Maxillofacial anomalies in children with chronic tonsillitis and immunity factors, hypoxia and endogenous intoxication for the development and formation of pathology” //Journal of Natural Remedies. 2021;22(1(2).
10. Nurov N.B. Specificity of prosthodontics treatment of old people according to age specialties. // World Medicine Journal 2021;1(1).
11. Nurov N. To Compare the Morphometric Data of the Craniofacial Region of Healthy Elderly People Without Adentia and With Partial and Complete Adentia. // International Journal ofHealth Systems and Medical Science. ISSN: 2833-7433. Dec-2022;1(6).
12. Olimov S.Sh., Gaffarov S.A., Yakubov R.K., Saidov A.A., Badriddinov B.B. Prevalence of dentoalveolar anomalies in 6-16 years children according to retrospective data analysis..// International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020;24(9):403-410. ISSN: 1475-7192.
13. Saidov Akbar Akhadovich, Olimov Siddik Sharifovich. The volue of matrix metalloproteases and connective nissue markers in the patoloji of temp-jav joint in children //Journal of Critical Reviews (скопус). 2020;7(17):44-49.
14. J.N. Bakaev, S.Sh. Olimov. Modern approaches to diagnosis, etiology and pathogenesis of the upper permanent canine retention formation (Literature Review) //European Journal of Molecular Clinical Medicine 2020;7(3):3815-3830. ISSN 2515-8260

Қабул қилинган сана 20.06.2023